

АҲМАД ИБН МУҲАММАД ҲАНАФИЙНИНГ “ХИЗОНАТ АЛ - ФАТАВО” АСАРИНИНГ ҚҮЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

Сайдакбарова Нилуфар
ЎзХИА 1-курс магистранти

АННОТАЦИЯ

Уибу тезисда Аҳмад ибн Муҳаммад Бухорийнинг “Хизонат ал- фатово” асари фиқҳий масалаларни жамлаган, ўз даврида халқ ва зодагонлар ўртасида кураш авж олиб, шариат заифлашувига сабаб бўлган бир паллада ёзилган муҳим манба эканлиги; асарнинг айрим қўлёзмалари ҳақида қисқача тавсифлар ўрин олган.

Калим сўзлар: тамаддун, илмий мерос, фиқҳ, фатво, қашшоффлар, шарҳ, қўлёзма, тадқиқ, таҳқиқ, қиёс, изоҳ

ABSTRACT

In this thesis, Ahmad ibn Muhammad Bukhari's work "Khizanatul Fatawa" is an important source that summarizes jurisprudential issues and was written at a time when the struggle between the people and the nobles escalated and caused the weakening of Sharia; there are brief descriptions of some manuscripts of the work.

Key words: civilization, scientific heritage, jurisprudence, fatwa, pioneers, commentary, manuscript, study, analysis, comparison, explanation, translation.

КИРИШ

Мовароуннаҳр ва Хурросон илму маърифат, маданият ҳамда тамаддун бешиги эканлиги бутун дунёга маълум. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Шош ўлкалари ўз бағридан етук алломалар чиқарган. Улар ёзган асарлар қайси соҳада бўлмасин, аҳамияти бекиёс, айниқса, бугунги глобал замонимиз учун ўта муҳимдир.

Неча асрлар ўтса ҳамки, аждодларимизнинг қимматбаҳо ва илмий мерослари ҳали тўлалигича ўрганиб бўлингани йўқ. Қўлёзмалар фондларида сақланаётган қанчадан-қанча нодир манбалар ўз қашшоффларини кутиб турибди. Ҳали очилмаган сирларию, тадқиқ этилмаган қирралари бисёр.

Мана шундай қимматли манбалардан бири - Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳанафийнинг “Хизонат ал-фатаво” асаридир. XII асрларга оид бу манба муҳим фиқҳий асар бўлиб, ўзида кўплаб нодир фатволарни жамлагандир.

Муаллиф ҳақида. Муаллифнинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Ҳанафий, Бухорий бўлиб, (ваф. 522/1128) ўз даврининг етук фақиҳларидан бўлган. Аҳмад ибн Муҳаммаднинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда оздир.

Хожи Халифа “Кашфуз зунун” асарида қуйидагича маълумот беради: “Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Ҳанафийнинг (туғилган йили номаълум) “Мажмаъ ал-фатово” асари ҳам мавжуд бўлиб, муаллиф ўз асарини қисқартиради ва “Хизонат ал-фатово” деб номлайди. Бу асарга “Мажмаъ ал-фатаво”даги ажиб ва нодир масалаларни узайтирган ҳолда киритади. Асар الحمد لله حمداً بعد ما أظهر معدن الإنسان يوأقيت ودررا ماجماه الفاتحه بعده ما أظهر معدن الإنسان يوأقيت ودررا фиқхий масалалар кетма-кетлиги билан тартибланган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Мажмаъ ал-фатово” асари эса катта-катта олимларнинг фатволари асосида ёзилган. Хусусан, Садри Шаҳиднинг “Фатово Кубро” ва “Фатово Суғро”си, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Бухорий, Муҳаммад ибн Валид Самарқандий, Имом Ато ибн Ҳамза Нотифий, Абул Ҳасан Рустағинийларнинг “Фатово”лари, Имом Абул Қосимнинг “Мултақот”и, Шайхул Ислом Алоуддиннинг “Тухфатул фуқаҳо”си, Имом Жассоснинг “Ғарибур рувот”, “Мунтақо” ва “Шарҳул Мунтасаб” асарлари, Зоҳириддиннинг “Жомеъ” ва “Бадиъ ал-аъйн” асарларидан, яна Мавло Абу Суъуд, Ибн Камол, Жуйизода ҳамда Мавло Саъдийларнинг фатволаридан ҳам истифода этилган”.¹

Асар ҳақида. “Хизанат ал-фатово” “Мажмаъ ал-фатово” асарининг қисқармаси бўлиб, Аҳмад ибн Муҳаммад Бухорийдан дўстлари ва замондошлари “Мажмаъ ал-Фатово” асридаги кам учрайдиган, нодир ҳамда долзарб бўлган мавзуларни алоҳида жамлаб беришини илтимос қиласилар. Ўша даврда халқ ва зодагонлар ўртасида кураш авж олиб, шариат заифлашувига сабаб бўлган эди. Шунга кўра, муаллиф “Мажмаъ ал-Фатово”дан “Хизонат ал-фатово” асарини таълиф қилишга қарор қиласилар.

Асар 50 боб бўлиб, “Таҳорат китоби”дан бошланиб, “Васиятлар китоби”да тугайди. Боблар эса фаслларга ажратилган.

Асар араб тилда, настаълик хатида битилган. Асарнинг ёзилган йили ва жойи маълум эмас.

الحمد لله حمداً بعد ما أظهر معدن الإنسان يوأقيت ودررا
жумлалари билан бошланиб، لادنى حسنة أقصى النهاية، жумлалари билан тугатилган.
Калафон мавжуд. Ҳошия берилмаган. Саҳифага пойгир қўйилган.

“Хизанат ал-фатово” асарининг қўлёзмалари. Асарнинг қўлёзма нусхалари миллий фондларимиз ҳамда жаҳон фондларида мавжуд.

Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси манбалар хазинасида 612 тартиб рақамдаги 283/II қўлёзма мажмуа шаклида бўлиб, иккита фиқхий асарни ўз

¹ حاجي خليفه. كشف الظنون عن اسامي الكتب والفنون. ج. ١.- بيروت: دار احياء التراث العربي ١٩٤١ - ٨٠٣ - ص.

ичига олади. 46-1226 бетларда “Мултақоти Носирий” асари, 1266-288a бетларида эса “Хизонат ал-фатово” асари ўрин олган.

Асарни Амир Хайдар ибн Шоҳмурод (1800-1826) даврида, яъни 1228/1813 йилда Муҳаммад Эрназар ибн Ашур Муҳаммад ал-Бухорий томонидан Бухоро шаҳрининг Мир Араб мадрасасида шарқ қоғозига кўчирилган. 163 варагдан иборат. Матн қора, керакли сўзлари қизил сиёҳда ёзилган. Матн 23 сатрдан иборат. Муқова ва матн ўлчови 9,5x19; 20,5x29

Асарнинг муқоваси қалин картон устига тўқ яшил рангли қоғоз билан қопланган. Муқовада учта ромб шаклида саҳҳоф тамғаси бор. Тамғада “Мулло Абдулҳай ибн Муҳаммад Олим саҳҳоф” деган жумла ёзиб кўйилган.

Бундан ташқари, Франциянинг BULAC (Bibliothèque universitaire des langues et civilisations) кутубхонасида ark: / 13960 / t8qc9d231 рақами билан;²

İstanbul fatih kütüphanesi қўлёзма фондида 2290 рақами билан; Nuruosmaniye kütüphanesi фондида 297·4 = 927 рақами билан; Süleymaniye kütüphanesi фондидаги Yeni cami – 606 рақамли; Millet Kütüphanesida 1018 рақам билан;³ Туркиянинг бошқа кутубхоналаридаги қолган қўлёзмалар билан жами 9 та нусха сақланади.⁴

1943 йилда кўчирилган Nuruosmaniye kütüphanesi фондидаги 297·4 = 927 рақамли қўлёзма эса энг охирги кўчирилган нусха ҳисобланади.

ХУЛОСА

Асарнинг замонавий тадқиқи бўйича ироқлик олим, адиб, тарихчи ҳамда қўлёзмалар бўйича йирик мутахассис Муҳийи Хилал Сарҳан⁵ алоҳида иш олиб борган. У асаддаги форсий сўзларни жамлаб, уларнинг далолати ва маъноларини аниқлаб чиқсанлиги, тадқиқот иши тўлов асосида фойдаланувчиларга берилиши ҳақидагина баъзи маълумотлар бор халос.

Асарнинг бугунги кундаги аҳамияти. “Хизонат ал-фатово” асари ўз тадқиқотчисини кутиб турган муҳим фикҳий манбадир. Бугун реал ҳаётда учраётган муаммоларнинг амалий ечими ва қиёсий ҳукмлари фикҳий китобларда батафсил ёритилган. Айниқса, фатволар жамланган китоблар далил, ортиқча изоҳ ва шарҳларсиз масаланинг конкрет ечимини бера олади.

Асарнинг нусхаларни излаб топиш, фондлар билан ишлаш ва қўлёзмаларни тўлиқ тадқиқ этиш - манбашунослар олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

² <https://archive.org/details/MS.ARA.1966/page/n59>

³ Millet Kütüphanesi (milletkutuphanesi.gov.tr)

⁴ <https://www.quranicthought.com>

⁵ Amazon.com

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)

1. حاجي خليفه. كشف الظنون عن اسامي الكتب والفنون. ج.١.- بيروت: دار احياء التراث العربي ٨٠٣ - ١٩٤١ - ص
2. <https://www.bulac.fr/>
3. <https://istanbul.ktb.gov.tr/TR-290862/fatih-merkez-kutuphanesi.html>
4. <https://islamansiklopedisi.org.tr/nuruosmaniye-kutuphanesi>
5. <https://www.quranicthought.com>
6. [Millet Kütüphanesi \(milletkutuphanesi.gov.tr\)](http://milletkutuphanesi.gov.tr)